

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича**  
**ШАРТНОМА № 28**

2022 йил «3» октябрь

Жиззах шахри

Жиззах вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати **Инжинииринг компанияси** (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов, бир томондан, ва **«JIZZAX TADQIQOT»** маъсулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор М.Буронова, иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ “Жиззах шаҳар 1-сонли оиласий поликлиника биносини реконструкция қилиш” (АРТ, топосёмка, геология, ЗВОС, экология хulosasi, техник хulosasi, лойиҳа иши ва экспертиза хulosasi билан) обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига кўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 3 октябрь;

Ишни якунлаш: 10 кун.

**2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.**

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 27 сентябрдаги лот №149191 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан ҚҚС билан **117 000 000 (Бир ўн етти миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

**3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.**

3.1. “Жиззах шаҳар 1-сонли оиласий поликлиника биносини реконструкция қилиш” (АРТ, топосёмка, геология, ЗВОС, экология хulosasi, техник хulosasi, лойиҳа иши ва экспертиза хulosasi билан) обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қўйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;  
3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласи.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

- 3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижроҷига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;
- 3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижроҷига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.
- 3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижроҷига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.
- 3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижроҷини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

#### **4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижроҷига тақдим қиласди.
- 4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижроҷига тўлаб беради.
- 4.1.3. Ижроҷидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижроҷининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.
- 4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижроҷини жалб этиш.
- 4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижроҷига боғлик бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).
- 4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижроҷини жалб қилиш.

4.2. Ижроҷининг мажбуриятлари

- 4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;
- 4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижроҷи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўйкач қилмаслиги керак.
- 4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргалиқда иштирок этиш.
- 4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.
- 4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуидаги ҳуқуқларга эга:

- 4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижроҷидан қуидагиларни талаб қилиш:
- Ижроҷи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;
  - шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;
  - Ижроҷи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;
  - Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини Ижроҷидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» қумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли бўйруги билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди З-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи қуидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

## **5. Томонлар жавобгарлиги.**

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечикирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечикирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиқсан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

## **6. Махфийлик.**

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийdir. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қиласликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

## **7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.**

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчилиқда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

## **8. Низоларни хал этиши.**

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилди.

АДВОКАТСКОЕ БЮРО «ALBINA NADEJDA»  
адвокат А.Н. Скорнякова

лицензия, удостоверение  
№ 0300053

## 9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида кўйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзголонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқарида бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсири вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Фазначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

### 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари: БУЮРТМАЧИ:

Жиззах вилоят хокимлиги Ягона  
буюртмачи хизмати инжиниеринг  
компанияси.

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.  
Тел./факс 222-46-40, 222-29-96

шх:  
ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жиззах вилоят Фазначилик бошқармаси  
ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ҲККМ)

МФО: 00014 ИНН: 201122919

Хасанов X.



Жиззах ш. Байнаминалчилар кучаси 5 уй  
тел.. 8 372 226-68-92

х/р 20208000904401739001

АТИБ «Ипотека банк»

Жиззах шахар филиали

МФО: 00122 ИНН: 205600296

ОКОНХ: 66000

Буронова М.



### ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура кўйидагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.


2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Жиззах вилоят хокимлиги ЯБХ ИК  
хукукшуноси - адвокат Адвокатское бюро «ALBINA NAJEDA»  
адвокат А.Н. Скорнякова  
лицензия, удостоверение № 000053

О.Очилов

А.Н.Скорнякова

М.Алиев





“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Жиззах вилояти ҳокимлиги  
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК  
бош мұхандиси

А.Сарибоев  
2022 йил

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжинииринг  
компаниясида ўтказилган танлов комиссияси аъзолари йиғилиш  
БАЁНИ № 19

2022 йил “ 30 ” сентябрь

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжинииринг компаниясининг 2021 йил 04 июнданы №103-сонли буйруғи билан тасдикланган комиссияси аъзолари куидаги таркибда,

**ҚАТНАШДИЛАР:**

А.Сарибоев

- Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компанияси бош мұхандиси, комиссия раиси;

**Комиссия аъзолари:**

А.Субханов

- Лойихаларни бошқариш ва курилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи;

О.Очилов

- Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи;

А.Тўхташев

- Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи;

Ж.Ҳасанов

- Ҳисоб-китоб бўлими мутахассиси


М.Алиев

- Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, комиссия котиби;

**Кун тартиби:**

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжинииринг компанияси буюртмачилигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 августдаги 138-сонли раёсати мажлисининг баёнига асосан 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган “Жиззах шаҳар 1-сонли оиласий поликлиника биносини реконструкция қилиш” обьекти лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида тузиладиган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқ тузилишини таъминлаш.

2022 йил 27 сентябрда “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган “Жиззах шаҳар 1-сонли оиласий поликлиника биносини реконструкция қилиш” обьекти бўйича харид қилиш комиссиясининг Лот рақами 149191-сонли, 117 000 000 сўм билан “JIZZAX TADQIQOT” МЧЖ голиб бўлганлиги тўғрисида танлов савдоси баённомаси расмийлаштирилган;



Комиссия котиби томонидан “Жиззах шаҳар 1-сонли оиласий поликлиника биносини реконструкция қилиш” объектига лойиха ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдоси юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига хеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшилтирилди.


Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиқсан холда, танлов комиссияси

**Қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 августдаги 138-сонли раёсати мажлисининг баёнига асосан 2022 йил “Манзилли дастури”га киритилган “Жиззах шаҳар 1-сонли оиласий поликлиника биносини реконструкция қилиш” обьекти лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниqlangan лойиха ташкилоти “Jizzax tadqiqot” МЧЖ билан 3 иш куни ичida шартнома тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:

А.Субханов



А.Тўхташев

О.Очилов

Ж.Ҳасанов

Комиссия котиби:

М.Алиев



